ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

MAHALLA

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «МАҲАЛЛА» жамғармасининг нашри

№ 37 (315) | 2002 йил 11 сентябрь, чоршанба. | Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган. | Сотувда эркин нархда

«Mahalla»да маҳалла хабарлари

Андижон вилояти

МАҲАЛЛА КЕНГАШИ ТЎРТ ОИЛАНИ ТИКЛАДИ

Марҳамат туманининг қўшни Қирғизистонга чегарадош Қора-кўрғон қишлоқ фуқаролар йиғинида маҳалла кенгаши йиғилишлари тез-тез ўтказиб турилади. Яқинда шундай йиғилишлардан бири маҳалла фаоллари, ёшлар, хотин-қизлар иштирокида ушбу қишлоқ фуқаролар йиғини таркибидаги Бўрибоши маҳалласида ғоят таъсирчан руҳда ўтди.

Маҳалла оқсоқоли Азимжон Ўтанов ўз сўзида аҳиллик, огоҳлик, ва хушёрликка эътибор бериш биринчи галдаги вазифа эканлигини айтиб ўтди. Ёшлар бўш вақтларини беҳуда ўтказмасликлари учун уларни қишлоқдаги маданият уйи тадбирларига, кутубхона ҳамда турли тўгаракларга жалб қилиш лозимлигини алоҳида таъкидлади. Тунги навбатчилик йўлга қўйилганини, бир гуруҳ отахонлар ташаббус кўрсатиб кундузги навбатчиликни ўз зиммаларига олишгани ҳам айтиб ўтилди.

Қора-кўрғон қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Муҳаммадқодир ҳожи Эргашев Яраштирув комиссиясининг ишини алоҳида мақтовга лойиқ деб топди. Барбод бўлиш арафасида турган олти нафар оиладаги можарога сабаб вазиятлар яқиндан ўрганилиб, уларга маслаҳатлар берилди. Бундан ташқари йиғилишнинг ўзида яна тўрт оила яраштирилиб, тикланди. Бирданига тўрт оиланинг тикланиши чиндан ҳам мақтовга сазовордир. Йиғилишда туман ҳокимлигининг, ҳуқуқ-тартибот органларининг вакиллари иштирок этдилар.

Сойибжон СОБИРОВ.

Бухоро вилояти

МАҲАЛЛАДА КАСБ-ҲУНАР ЎРГАТИЛМОҚДА

Бухоро шаҳар Файзулла Хўжаев туманидаги 12-маҳалла фуқаролар йиғинида бир гуруҳ хотин-қизлар касб-ҳунар ўрганишга жалб қилинди. Уларга зардўзлик, чопондўзлик каби ҳунарлар ўргатилмоқда. Тажрибали чеварлар уларга устозлик қилмоқдалар.

- Бу ишни маҳалла билан ҳамкорликда йўлга қўйдик,- дейди Бухоро шаҳар Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи Б.Хўжаев. - Бу ерда 25 нафар ёшлар анъанавий «Уста-шогирд» мактабида касб-ҳунар ўрганмоқдалар.

Ҳамкорлик фақат мазкур маҳалла билан чекланиб қолгани йўқ. Файзулла Хўжаев туманидаги 5, 9, 10-маҳалла, Тўқимачилик туманидаги 11-маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам анъанавий «Уста-шогирд» мактабларида ўқув ташкил этилган. Шу йилнинг ўтган даври мобайнида 145 нафар фуқаро тажрибали ҳунармандлардан касб сирларини ўрганиб, мустақил иш юрита бошладилар.

Илҳом САФАР,
ЎзА мухбири.

ТОШКЕНТДА КАТТА ТЕННИС БАЙРАМИ

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги халқаро теннис турнири бошланди. Шу муносабат билан нафақат пойтахтимиз, балки бутун мамлакатимиз катта теннис шукуҳи билан яшамоқда.



Бир неча йилдан буён зўр муваффақият билан ўтказиб келинаётган мазкур мусобақанинг дунё спортидаги нуфузи тобора ортиб бормоқда. Буни турнирда қатнашиш учун Тошкентга дунё теннисининг кўплаб юлдузлари ташриф буюрганидан ҳам билса бўлади. Улар орасида Марат Сафин, Евгений Кафелников, Марк Россе каби машҳур теннис усталари бор. Шунингдек, Томми Ҳаас, Дэвид Сангунетти, Кеннет Карлсон, Райнер Шуттлер, Осиё қитъасининг энг номдор теннисчиси Парадорн Сричапан ва бошқалар Президент кубогини қўлга киритишга бел боғлаган.

10 сентябр куни «Ўзбекистон» спорт мажмуида Президент Кубоги халқаро турнирининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

- Шу кунларда Тошкентда катта спорт байрами,- деди давлатимиз раҳбари. - Мамлакатимизга Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги турнири қатнашчилари ташриф буюрди. Мазкур турнир қисқа вақт ичида катта обрў-эътиборга сазовор бўлди. У сайёрамизнинг турли мамлакатларидаги минглаб спортчиларга Тошкент билан танишиш, айтиш мумкинки, унга меҳр қўйиш имконини берди, деб таъкидлади Президент.

Дунёдаги миллионлаб теннис мухлислари эса матбуот ва телевидение орқали Ўзбекистон билан яқиндан танишмоқда.

Энг муҳим ва аҳамиятли жиҳати - Президент Кубоги турнири катта теннисни мамлакатимизда оммалаштиришдек буюк ишни амалга оширди.

Бугунги кунда ушбу гўзал ва ажойиб спорт тури билан каттаю кичик миллионлаб ҳамюртларимиз шуғулланмоқда. Бугун Тошкент дунёнинг профессионал теннис бўйича мусобақалар ўтказилаётган кўплаб пойтахтлари ва шаҳарлари қаторидан ҳақли равишда муносиб ўрин эгаллади.

Тошкент турнирига кетма-кет уч бора «Ай-Ти-Пи»нинг «Юксак нуфузи учун» мукофоти топширилиши бежиз эмас.

Мусобақанинг барча иштирокчиларини - эски қадрдонларимизниҳамда ушбу турнирда илк бор иштирок этаётган спортчиларни қутлаш менга катта мамнуният бағишлайди, деди давлатимиз раҳбари. Биз бутун дунёга машҳур спортчилар - ажойиб теннис усталарини муборакбод этамиз.

Президентимиз Сассон Какшури раҳбарлигидаги турнир ташкилотчилари, ҳакамлар ҳайъати ҳамда супервайзери Томас Карлбергни ҳам муборакбод этар экан, уларга мазкур нуфузли мусобақаларни юксак савияда ташкил этаётгани учун самимий миннатдорлик билдирди.

Томошабинлар ва бутун Тошкент аҳлига самимияти, очиқ чеҳраси, меҳмондўстлиги ва мусобақа иштирокчиларини қўллаб-қувватлаётгани учун миннатдорлик изҳор этди.

Шундан сўнг Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги тўққизинчи халқаро турнирини очиқ деб эълон қилди.

Шу куни кортда швейцариялик Марк Россе ва германиялик Томми Ҳаас ўзаро беллашди.

Шундай қилиб, Тошкентда катта теннис байрами бошланди. Бир неча кун давомида пойтахт аҳли ва меҳмонлари, қолаверса, телевидение ва матбуот орқали бутун дунёдаги теннис ихлосмандлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги турниридаги шиддатли ва муросасиз спорт беллашувларига гувоҳ бўлади.

(ЎзА)

Таҳририятга мактуб

MAHALLA-сиз оқсоқолнинг иши ўнгми?

Биз учун қадрдон нашр бўлиб қолган «Mahalla»нинг ҳар янги сонини орзиқиш билан кутамиз. Туманимизда ушбу газетанинг 130 мингдан ошиқ ўқувчиси бор десак асло янглишмаймиз. Ахир маҳаллалар ҳаётига оид турли воқеа-ҳодисалар, янгиликларнинг бариси биз учун қизиқ-да! Ҳатто ушбу газета жамики ишларимиз учун дастуриламал бўлмоқда, зарур бўлганда бизга йўл-йўриқ кўрсатмоқда. Бизнингча, бугунги кунда ҳар бир маҳалла оқсоқоли кенг қамровли ишларни йўлга қўйишда «Mahalla»нинг кучига, маънавий мададига таянса керак. Негаки, эндиликда бирорта маҳалла фаолиятини «Mahalla»сиз тасаввур қилиб бўлмайди!

Шу ўринда ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, «Mahalla» газетасига обуна бўлмаган, уни ўқимайдиган оқсоқол ўз юмушларини тўла-тўкис бажараётган оқсоқол эмас! деб айтиш ўринлидир. Тажрибамдан биламанки, маҳалла иши ўлда-жўлда бўлган, ҳар икки фуқаросининг бири идорама-идора шикоят хати кўтариб юрган, демакки маҳаллада ечилиши керак бўлган кичик муаммолар чувалашиб катта бўлаётган маҳалла оқсоқоли суриштирилганда газетага, айнан «Mahalla» газетасига обуна бўлмаган бўлиб чиқади. Аксарият ҳолларда оқсоқоллар намунали ишлашни, муаммоларни тўғри ҳал этишни хоҳлайдилару, ишни нимадан бошлашни билмайдилар холос. Бундай ҳолларда уларга берадиган маслаҳатимни яна такрорлашим мумкин: ишни «Mahalla» газетасига обуна бўлишдан бошлаш керак! Чунки нашрда деярли юз фоиз тизим фаолиятига оид ибратли, танқидий, таҳлилий мақолалар ёритилади. Халқимизда «Бирни кўриб шукр қил, бирни кўриб фикр қил» деган мақол бор. Шунингдек, газетани варақлаган оқсоқол ким қаерда қандай ишлаётгани, унинг йўлини тўсиб турган муаммони бошқа оқсоқол қандай ҳал этаётганини билади, йўл-йўриқ ўрганади. Қолаверса, тизим фаолиятига оид ҳукумат қарорлари, меъёрий ҳужжатлар, турли дастур ва низомлар обуна бўлган оқсоқолнинг идорасидагина тахт туради. Бир-бирида фалон низом, фалон қонунни сўраб юрган оқсоқолларни кўрсам, таажжубга тушаман: Ахир буларнинг ҳаммаси газетада чоп этилган эди-ку. Демак у газетага обуна бўлмаган. Қандай қилиб маҳалла тизимида масъулиятли вазифани адо этишга бел боғлаган одам шу тизим фаолиятини ёритувчи ягона нашрни қўл остида тутолмаса?! Аслида обунага бефарқ бўлган оқсоқолнинг ўзига жабр. Аммо бу ерда у оқсоқоллик қилаётган маҳалла фуқаролари ҳам жабр кўрадилар. Хуллас, мен ҳар бир маҳалла оқсоқоли фаолиятига баҳо беришда унинг «Mahalla» газетасига обуна бўлган-бўлмаганлигини энг биринчи талаблар даражасида қўйилишини таклиф қиламан.

Абдухолиқ ОРТИҚОВ,
Сурхондарё вилояти Шеробод тумани Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси туман бўлинмаси раиси.

Маҳалла болалари келажак ишончи

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси томонидан кўплаб давлат ҳамда нодавлат ташкилотлари ҳамкорлигида ўтказилаётган «Футболимиз келажаги» маҳаллалараро ўсмир болалар турнирининг ушбу йилги мусобақалари мустақиллигимизнинг 11 йиллиги ва Ўзбекистон футболининг 90 йиллигига бағишланди.



***Суратда:** 12-14 ёшлар ўртасида кубоги соҳиби бўлган Наманган шаҳри Чорсу маҳалласи жамоаси аъзоси кубокни қабул қилиб олди.*
Сурат муаллифи Ҳ.СОЛИХОВ

2-саҳифада ➡

Таклиф

«БУ КИМНИНГ ҲАЙКАЛИ?» ДЕМАЙЛИК

Обидалар маҳалламизнинг кўрки бўлиши баробарида муҳим тарбия воситаси ҳамдир.

Тошкент метрополитенининг яна бир янги йўналишида электропоездлар қатнай бошлади. Марказий йўллар таъмирланди, кўприклар қуриб, фойдаланишга топширилди. Тарихий обидалар усталар қўлида сайқалланди, замонавий маъмурий бинолар қад кўтарди. Кўча ва майдонларнинг тарихий номлари тикланди. Бозору дўконлар пойтахтимиз ҳуснига ҳусн қўшиб турибди.

Янги бунёдкорлик ишларини кўрган одамнинг кўнгли кўтарилади, мустақилликка эришганимизга янада кўпроқ шукроналар айтгиси келади.

Маълумки, Тошкентга хориждан ёки республикамизнинг узоқ вилоятларидан кўплаб меҳмонлар келишади. Улар майдонлардаги ҳайкаллар ва бошқа тарихий обидалар нима сабабдан тиклангани ҳақида етарли даражада маълумот ололмайдилар. Бу учун уларнинг ёнларида, албатта, обидалар ўтмишидан бохабар одам бўлиши даркор. Акс ҳолда «Бу кимнинг ҳайкали?», «Бу обида қачон ва нимага қурилган?» деган саволлар туғилиши табиий. Қолаверса, ҳамшаҳарларимизнинг, хусусан ёшларнинг барчаси ҳам бу масалада тўлиқ маълумотга эга бўлмасликлари мумкин. Ваҳоланки, обидалар маҳалламизнинг кўрки бўлиши баробарида муҳим тарбия воситаси ҳамдир.

Шундай экан, тарихий обидаларимиз ҳақида ҳикоя қилувчи лавҳалар ташкил этилса ва бунда «Тасвирий ойина» имкониятларидан фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Обидалар ва ҳайкаллар атрофини ободонлаштириш ишларини шунга яқин жойлашган маҳаллалар, хусусан ўқув юртлари ўз оталиқларига олсалар, бу нарса шу ерда яшовчи катта-ю кичикнинг ўз маҳалласи, кўчаси, шаҳрига нисбатан ҳурматини оширар, уларда ватанпарварлик туйғуларининг шаклланишига кўмаклашар эди. Ўсмирлар эса ота-боболарига ўхшаш истаги билан яшаб улғаярдилар.

Маҳмуд ТОИРОВ.

Низом

ПЕДАГОГ-ТАРБИЯЧИ ҚАНДАЙ ФАОЛИЯТ ЮРИТАДИ?

Ўзбекистон Республикаси Мустақилликка эришганидан буён Республикамиз ҳукумати ва шахсан Президентимиз И.А.Каримов ёшлар тарбиясига, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни «жиноят олами», диний экстремистик оқимлар таъсиридан сақлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этишларига йўл қўймасликка асосий эътиборни қаратганлар.

Ҳозирги кундаги меҳнатимиз мамлакатимизнинг келажаги бўлган ёш авлодларнинг қай тарзда улғайишларида, уларнинг ҳаётдаги ўз ўринларини танлашлари, қайси ғоялар учун хизмат қилишлари билан баҳоланишини унутмаслигимиз зарур.

Таъкидлаш жоизки, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 16 май куни қабул қилган 162-сонли «Милиция таянч пунктларининг инфратузилмасини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори, маҳалла фуқаролар йиғинлари штат бирлигига вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ташкилий-тарбиявий, оммавий-спорт ишларини ташкил этувчи педагог-тарбиячилар лавозимларини киритилиши ёшларга бўлган эътиборни долзарблигидан далолат беради ва уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишларига шарт-шароит яратади.

Педагог-тарбиячилар ёшлар ва вояга етмаганлар орасида турли хилдаги ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этилишининг олдини олиш, диний экстремистик оқимларга мансуб шахслар томонидан уларнинг дунёқараши, онгларига салбий таъсир кўрсатишларига йўл қўймаслик чора-тадбирларини амалга ошириб, жисмонан бақувват ва ватанпарварлик руҳида тарбиялайди.

Ўзбекистон Республикаси «Маҳалла» жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, «Маҳалла ёшлари ўртасида ташкилий-тарбиявий, оммавий спорт ишларини ташкил этувчи педагог-тарбиячилар фаолияти тўғрисида»ги Низомни тасдиқладилар.

4-саҳифада ⇨

Оқсоқол қиёфаси

«ШИКОЯТЧИ»ДАН ҲАМ ШИКОЯТ ҚИЛИШ МУМКИН...ЭКАН

Самарқанд шаҳрининг Сиёб туманида Регистон номли маҳалла бор. Бу маҳалланинг оқсоқоли И.Солиев таҳририятнинг кўп йиллик «қадрдони» бўлиб қолган. Чунки у киши ўтган йиллар мобайнида таҳририятга кўп марта келиб, яна мунтазам равишда шикоятлар йўллаб, шундай ўзига хос тарзда бизни «йўқлаб» турган эди.

Бу «йўқлов»ларга газетамизнинг 2001 йил 28 феврал сонида босилган «Регистондан шикоятлар ёғдираётган оқсоқол» номли мақола ҳам барҳам беролмаган эди. Мақолада И.Солиевнинг ўзи раҳбарлик қилаётган маҳалла аҳлига хизмат кўрсатувчи «Меҳнаткаш» ширкат хўжалигининг собиқ бошлиғи Т.В.Горячева билан бўлган ўзаро келишмовчиликлари оқибатида Самарқанду Тошкентнинг ўнлаб мутасадди ташкилотлари оқсоқолнинг семиз-семиз шикоят хатларига тўлиб-тошиб кетгани ва бу ҳолатга тезроқ барҳам бериш лозимлиги эътироф этилганди. Шунда И.Солиев биздан ҳам нолиганди. Ҳатто бу мақола билан ўзининг соғлигига путур етказганимизни айтиб, бу ҳақда турли идораларга ёзиб бизни анча ноқулай аҳволга қўйганди. Биз бу ҳолдан сўнг, ҳатто ўзимизни койигандик. Чунки инсон соғлиги... Аммо И.Солиевнинг ўзи нега шикоят ёзиб бировларнинг соғлиғини совураётгани ҳақида ўйламаётганидан, «Пичоқни аввал ўзингга ур, оғримаса бировга» мақолини тушуниб етмаётганидан ҳайрон бўлган эдик. Аммо ушбу мақола чоп этилгач ҳам, ҳатто Т.В.Горячева вазифасидан озод этилганда ҳам оқсоқолнинг «тиниб-тинчимагани», яъни на ўзининг, на бошқаларнинг соғлиғи ҳақида ўйламай узундан-узун шикоятлар ёзишдан тўхтамаганидан кейин «Бу оқсоқол қачон аризабозликни тўхтатади-ю, қачон ўзининг асосий вазифаси - маҳалла иши билан шуғулланади?» дея юмшоқроқ айтганда, анча-мунча таажжубга тушгандик!

Орадан йиллар ўтди...

Яқинда хат жилдида Регистон маҳалласи кўрсатилган яна бир шикоят хатини олдик. Аммо бу хат И.Солиевдан эмас экан. Шикоят хати шундай бошланади: **«Мен Элназаров Ўктам, Сиёб тумани «Регистон» уй-жой мулкдорлар ширкатида 2001 йилнинг 1 июнидан бошлаб директор лавозимида ишлайман. Ёшим 30 да.**

Бизнинг ширкатимиз Регистон маҳалласидаги 14 та кўп қаватли уйларга коммунал хизмати кўрсатади. Шу маҳалланинг оқсоқолини «шикоятчи» сифатида Самарқандда танимаган киши йўқ. Мендан аввалги ширкат раиси устидан ёзган шикоятлари бир неча боб бўлгулик. Мен бу ерга ишга келган фурсатимдан у киши менга ҳар хил шартлар қўйиб, ширкат ишларига ўринсиз аралашавергач, биз тортишиб қолдик.

Шундан сўнг оқсоқол ўнга яқин мутасадди ташкилотларга менинг устимдан шикоятлар ёзди. Шу йилнинг июнь ойидан бошлаб корхонамизда бир неча марта текширув ўтказилди. У кишининг қилаётган ишлари ҳақ бўлса эди, мен ишни ташлаб кетган бўлар эдим. Нима учун ноҳақликка жим қараб туришим керак. Нима бўлганда ҳам ёшлари меникидан анча улуғ бўлгани учун шу чоққача хафа қилмай келдим. Тўғри, мен ёшман. Лекин, нима учун чекинишим керак?

Ширкат томонидан яқин бир-икки йил ичида қандай ободонлаштириш ишлари олиб борилгани, чиқиндилар хусусий машина ёрдамида ўз вақтида чиқарилаётгани, кўп қаватли уйларни таъмирлаш ишлари қай йўсинда кетаётганини маҳалла аҳли кўриб, баҳолаб турибди. Ҳозирда бизни Сиёб тумани прокуратураси текширмоқда. Мен текширишларидан норози эмасман. Лекин оқсоқолимиз И.Солиев ёзишдан чарчамаса, текширишлар яна давом этаверса, бизнинг асосий вазифамиз бир четда қолиб кетадику?! Кўп қаватли уйларни қиш мавсумига тайёрлаш керак. Иш шу зайлда давом этаверса, уйларни мавсумга тайёрлашга улгурмаслигимиз мумкин...»

Тан олиш керак, Ў.Элназаровнинг бу хавотирлари ўринли: оқсоқолнинг шикоятбозлиги тўхтамас экан, бунинг асорати нафақат ширкат фаолиятида, балки маҳалла ҳаётида ҳам акс этади! Биз оқсоқолнинг маҳалладаги асосий фаолияти билан ҳам, ширкат фаолияти билан ҳам яқиндан таниш эмасмиз. Аниқ билганимиз, И.Солиевнинг шикоятдан чарчамаслиги. Энди ана шу «шикоятбоз»нинг ўзидан шикоят қилмоқдалар. Лекин бу йигит И.Солиевга қарши унинг ўзига ўхшаб шикоятбозлик орқали курашишни бошлаган экан, Ў.Элназаровнинг ўзи таъкидлаганидек, ширкатнинг асосий фаолияти нима бўлади?

Ҳа, ҳар кимнинг шикоят қилишга ҳаққи бор. Аммо шикоятда ҳам мантиқ бўлиши шарт. Ў.Элназаровнинг шикояти айни пайтда бизни бир хулоса ясашга ундади: бир неча йилдан бери И.Солиевга ҳақни ҳақ, ноҳақни ноҳақ қилиб берадиган мутасадди, идора топилмаяпти чоғи!

ТАҲРИРИЯТ.

Шу сонининг

2-САҲИФАСИДА

** «Пахтакор» стадионида ўзбек футболининг бўлажак ва бугунги юлдузлари «порлади»!*
** Посбонлар синовдан ўтмоқдалар.*
** Муаммо бизники бўлгач...*

3-САҲИФАСИДА

** Жўлангир маҳалласилик бу одам жиноятчи эмасди!*
** Бу болаларнинг айтилмаган нолалари бор...*
** Чингизхоннинг қабри топилади(ми)!?*

4-САҲИФАСИДА

** Педагог-тарбиячи фаолиятини белгиловчи мезонлар.*
** Педагог-тарбиячи маҳалла ёшларининг мураббийси, маслаҳатгўйи ва раҳнамосига айланиши шарт!*

MAHALLA
Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Таҳририят манзили:



Тошкент, Буюк Турон кўчаси,41-уй

Нашр кўрсаткичи:148

Ҳомий:
«Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: **136-53-75**
Хатлар бўлими: 136-57-62.

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

Маҳалла хабарлари

ҚИШЛОҚ МУАММОЛАРИ МУҲОКАМАДА

Конрад Аденауэр жамғармасининг тараққиёт ва ҳамкорлик бўйича Швецария агентлиги, Ўзбекистон Республикаси «Тадбиркор аёл» ишбилармон аёллар ассоциацияси, журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази, «Заковат» тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг ҳамкорликда Қарши туманидаги Қовчин қишлоғида ўтказган семинари «Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари фуқаролик жамияти барпо этиш асоси»

Уларнинг республика қишлоқларида ислоҳотларни ривожлантиришдаги роли. Ҳуқуқий, иқтисодий жиҳатлари ва уларни оммавий ахборот воситаларида ёритиш» масалаларига бағишланди.

Унда тумандаги қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, тадбиркорлар, ёшлар ҳамда вилоятдаги оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашдилар.

Семинарда Конрад Аденауэр жамғармасининг 2001 йилдаги фаолияти ҳақидаги видеофильм намойиш этилди. Маҳалла вакиллари, тадбиркорлар ва журналистларнинг «Қишлоқ инфратузилмасини яхшилашдаги мавжуд муаммолар» мавзуидаги давра суҳбатида маҳаллий ўз-ўзини бошқаришга оид долзарб масалалар ўртага ташланди.

Курбон ЭГАМБЕРДИЕВ.

ТАБИИЙ ГАЗ - ҲАР ХОНАДОНГА

«Жиззахгаз-таъминот» шўъба корхонаси жамоаси маҳалла ва ташкилотларни узлуксиз табиий ёнилғи билан таъминлаш учун жорий йилда кенг кўламда ишларни амалга оширдилар. .

Ҳозирги кунда вилоятда 2309 та газ тақсимлагичлар ёрдамида маҳалла ва ташкилотларга газ етказиб берилаяпти. Ўтган етти ой ичида 55 километр узунликдаги газ қувурлари ўрнатилди. Натижада 8 та хўжалик мустақиллигимизнинг 11 йиллик байрами арафасида газ билан таъминланди. «Зантори олов» ёқувчилар йил охиригача яна 14 та хўжаликни табиий ёнилғи билан таъминлаш режаларини тузишган.

САХОВАТ

Қарилик гаштини сураётган отахонлар саховат кўрсатиб, боғ-роғлар яратишга бел боғладилар.

Ана шундайлардан бири Жиззах шаҳридаги Қалия маҳалласида истиқомат қилувчи Иброҳим Донишевдир. Узоқ йиллар матбуот соҳасида самарали меҳнат қилган, ўнлаб шеърий тўпламларнинг муаллифи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Иброҳим ака Донишев Жиззах туманидаги Норма Абдуолимов хўжалигидан бир гектар ер олиб, мевали дарахт кўчатлари экиб парваришлаяпти. Мактаблар, болалар боғчалари, ҳамда маҳаллалар учун сархил мевалар етиштириладиган бу боғ ўртасида шийпон бунёд этилади.

Пардабой ТОЖИБОЕВ, «Mahalla» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ФУТБОЛИ 90 ЁШГА ТЎЛДИ!

«Миллионлар ўйини» дея аталмиш футбол Ўзбекистонда пайдо бўлганига 90 йил тўлиши шу кунларда юртимизда кенг нишонланмоқда. Босиб ўтилган йўлга назар ташлайдиган бўлсак, юзлаб истеъдодли футболчиларни ёдга оламиз. Номлари мухлисларимиз тилларида достонга айланган Ҳамид Раҳматуллаев, Биродар Абдураимов, Геннадий Красницкий, Юрий Пшеничников, Сергей Доценко, Михаил Ан, Владимир Фёдоров, Василис Хадзипанакис, Миржалол Қосимов, Игорь Шквирин... каби чарм тўп усталарининг анъаналари бугунги кунда муносиб давом эттирилмоқда.

«ФУТБОЛИМИЗ КЕЛАЖАГИ» МАҲАЛЛАДАН



Юртимизда ёш авлоднинг ҳар томонлама камол топишига катта аҳамият берилаётганига ўзимиз шоҳидмиз. Шу мақсадни кўзлаган жуда кўплаб тадбирлар, ислоҳотлар бугунги кунда барча жабҳаларни қамраб олмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви томонидан ўтказилаётган анъанавий «Футболимиз келажаги» маҳалла ўсмир болалари ўртасидаги футбол турнирини ҳам шундай тадбирлар сирасига қўшиш мумкин. Шуниси қувончлики, ушбу тадбирда юртимиздаги бир нечта эътиборли, ҳатто халқаро жамғармаларнинг иштирок этаётгани турнирнинг оммавийлиги ва нуфузини оширмоқда. Масалан, бу йилги турнир мусобақаларига Республика Ички ишлар вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Футбол Федерацияси, «Камолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзтелерадио компанияси, «Экосан» халқаро жамғармаси, «Соғлом авлод» жамғармаси, Давлат солиқ қўмитаси, «Ўзбексавдо» компанияси, «Тошшаҳарйўловчитранссервис» Давлат уюшмаси, Ўзбекистон Божхона қўмитаси, «Юлдуз» ҳиссадорлик жамияти ва Тошкент шаҳри маҳаллалари ҳомийлик қилишмоқда. Аслида ушбу давлат ва жамоат ташкилотларининг турнирдаги иштироки табиий ҳолдир. Чунки уларнинг кўпчилиги айнан авлод баркамоллиги, болалар соғломлиги учун масъул бўлган ташкилотлардир. Ушбу турнир уч тоифа 9-12, 12-14 ва 14-16 ёшдаги ўсмирлар ўртасида ўтказилмоқда. Кўпчилик маҳаллаларда ҳар бир босқич бўйича бир эмас учтадан футбол жамоалари тузилди, натижада ушбу турнирда бир ярим миллиондан ортиқ ўсмир болаларимиз қатнашдилар. Демак, бир ярим миллион нафар ўсмир ёшларимиз ёзги таътилларини мазмунли ва мароқли, муҳими ғалаба қилиш, ўз маҳалласи шаънини улуғлаш иштиёқи билан ўтказдилар. Ва бунга эришдилар ҳам. 7 сентябрь куни Тошкент шаҳрида «Пахтакор» Марказий стадионида «Футболимиз келажаги» турнирининг 12-14 ёшли ўсмирлар ўртасидаги финал мусобақалари бўлиб ўтди. Унгача эса Чиғатой ўйингоҳида ярим финал босқичида қатнашиш имконини қўлга киритган тўрт вилоятдан келган футбол жамоалари куч синашишди. Мусобақалар шиддатли ва қизиқарли бўлди. Шундай бўлиши табиий эди. Ахир ғолиб жамоа «Футболимиз келажаги» турнирининг биллур кубогини қўлга киритиб, ҳомийларнинг бир нечта қимматбаҳо эсдалик совғаларига эга бўлардилар-да. Совғалардан ташқари, ўсмир футболчилар учун «Пахтакор» Марказий стадионида, дунёга довруқ ёйган ўзбек футболи дарғалари тўп сурган майдонда футбол ўйнаб, ғолиб бўлиш қанчалар шарафли эди!



Футболимиз фахрийси В.СОЛОХО эсдалик совғаларини топширмоқда

Хуллас, маҳалла ўсмирлари ёш бўлишларига қарамай, футболни чиройли ўйнай олишларини намойиш этдилар. Шак-шубҳасиз, финалга етиб келган жамоаларнинг тўртови ҳам кучли эди. Лекин футболда ғолиб битта бўлади, бу аниқ. Шу куни «Футболимиз келажаги» турнирининг 12-14 ёшли ўсмирлар ўртасидаги босқичида Наманган вилояти Наманган шаҳридаги Чорсу маҳалласи (маҳалла фуқаролар йиғини раиси Рохатхон Отахонова)нинг футбол жамоаси ғолиб бўлди. Турнирнинг биллур кубогини жамоа сардорига Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви раиси Аъзамжон Гадойбоев ва Республика Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Баҳодир Махситовлар топширдилар. Наманганлик ёш футболчиларнинг ушбу дамдаги қувончларини, ғурурларини сўз билан ифода этиш қийин. Улар ўз тоифаларида республикадаги тенгдошлари ичида ғолиб бўлган дамларида «Пахтакор» стадионининг кўм-кўк чим ётқизилган майдонига ғурурдан тўлиб-тошган бағриларини бериб ётганларини бир умр эслаб юрсалар керак!



Финал босқичи очилишида

Бухоро вилоятининг Вобкент туманидаги Вобкент маҳалласи (оқсоқоли - Бозор Рамазонов) «Ёшлик» жамоасининг ёш футболчилари финал мусобақасида наманганлик тенгдошларига бой берган бўлсаларда, турнирда нуфузли 2-ўринни эгалладилар.

Қашқадарё вилоятининг Косон туманидаги Янгиобод маҳалласи (оқсоқоли - Хайрулла Ҳайитқулов)нинг футбол жамоаси ва Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳридаги Ш.Эшонқулов номли маҳалла (оқсоқоли - Улуғбек Усмонов)нинг «Боёвут» жамоаси фахрли учинчи ўрин соҳиби бўлдилар. Шу куни тўрт совриндор ўринлар соҳиби ҳам медаллар, совға-саломларни «Пахтакор» ўйингоҳида минглаб мухлислар олқиши остида қабул қилдилар. Шунингдек, мусобақалар давомида «Энг яхши дарвозабон», «Энг яхши ярим ҳимоячи», «Энг яхши ҳужумчи» номинациялари бўйича ёш футболчиларга совғалар тақдим этилди. Бу совғаларни «Пахтакор» футбол командасининг фахрий аъзолари, ҳомийлар топширдилар.

Мавлуда ҚОСИМОВА

Суратлар муаллифи Ш.ЗУЛФИҚОРОВ

МИЛЛИЙ ЖАМОАЛАРИМИЗ ТУҲФАСИ

...Акаларининг муваффақиятини 17 ёшгача бўлган ўсмирлар терма командамиз қўллаб-қувватлагани нур устига аъло нур бўлди.

Юбилей тантаналари дастуридан мамлакатимиз маҳаллалари командалари ўртасидаги финал баҳси ҳам жой олгани футболнинг оммавийлигидан далолат дейиш мумкин .

Тошкентдаги "Пахтакор" марказий стадиони яшил майдонига санъат усталарининг концертидан сўнг Ўзбекистон миллий ва Япония клублар терма жамоалари тушишди. Шу йил ёзда кунчиқар мамлакат вакиллари жаҳон чемпионати финал босқичида ишончли ўйин намойиш қилиб, ўз гуруҳларида тажрибали Бельгия ва Россия термаларини ортда қолдиргани кўпчиликнинг ёдида. Ўзаро баҳсларда ҳам ҳозирга қадар юртдошларимиз японлар устидан ғалаба қозона олишмаган эди. Бошқа томондан, Ўзбекистон терма командасининг энг ёрқин ғалабаси Япония стадионларида қайд этилган — 1994 йили Осиё ўйинларида айнан бизнинг чарм тўп усталаримиз олтин медаллар соҳибига айланган эдилар.

Равшан Ҳайдаров жамоаси таркибида мухлислар анча соғиниб қолган Поляков, Ширшов, Акопянц, Лушчан, Сафонов каби легионерларимиз билан бирга миллий чемпионатимизда иштирок этаётган иқтидорли ёш футболчилар тушишди. Жамоамиз ўйинини уюштиришда терма жамоа сардори, яқинда "Пахтакор" сафига қайттан Миржалол Қосимовнинг хизмати катта бўлди.

Пахтакорчи Зайниддин Тожиев ўнг қанотдан оширган тўпни ростовнинг «Ростсельмаш» клубида ишончли ўйин намойиш қилаётган Андрей Акопянц рақиб дарвозасига йўллаб мезбонларни олдинга олиб чиқди. Татсуя Фурухаши Евгений Сафонов дарвозасини пенальтидан аниқ нишонга олди ва ҳисобни тенглаштирди.

Аммо футболчиларимиз ғалабага бўлган иродани намойиш қилишди. Александр Гейнрих японлар жарима майдончаси яқинида жарима тўпи белгиланганда жуда чиройли зарба бериб, тўпни японлар дарвозасининг юқори ўнг бурчагига қойилмақом тарзда йўллади.



Ўсмирлар терма жамоамизнинг қувончи

Натижада 2:1 ҳисобида Ўзбекистон терма командаси аъзолари японияликлар устидан тарихда илк ғалабани қўлга киритишди.

* * *

Акаларининг муваффақиятини 17 ёшгача бўлган ўсмирлар терма командамиз қўллаб-қувватлагани нур устига аъло нур бўлди.

Бирлашган Араб Амирликларида Осиё чемпионати "С" гуруҳи учрашувларининг дастлабки ўйинида Япония ва Ўзбекистон терма командалари рўбарў келишди.

Татсуя Окамато 29-дақиқада пахтакорчи Элдор Тожибоев қўриқлаган дарвозани ишғол қилишга эришди. Аммо Такуя Ямомото футболчимизни қўполлик билан тўхтатиб қолганида пахтакорчи Марат Бикмаев рақибларни муносиб жазолади ва вазият тенглашди. Ойнаи жаҳон орқали учрашувни кузатган мухлислар йигитларимиз рақиблари билан тенгма-тенг кураш олиб боришганига, айрим дақиқаларда ҳатто ташаббусни ўз қўлларига олишганига гувоҳ бўлишди. Ўйиннинг охирги дақиқасида "Қизилқум" вакили Азиз Муродов бурчакдан узатган тўпни "Пахтакор-2" аъзоси Доуд Жатдоев дарвозага йўллаганда японлар посбони Наоки Хатта ҳеч нарса қила олмади. 2:1!

Гуруҳимиздаги яна икки жамоа Сурия ва Қатар баҳсида 1:0 ҳисоби қайд этилди.

Бошқа гуруҳларда икки учрашув ўтказишга эришган жамоалар орасида хитойликлар ҳиндларни (4:1) ва мезбонларни (1:0) ҳисобида мағлубиятга учратиб, чорак финалга йўлланмани қўлга киритишди.

Бугун Рауф Инилеев шогирдлари яъни ёшларимиз Сурия термасига қарши тўп суради. Ғалаба юртдошларимизга чорак финал эшигини ланг очади.

Мирзаҳаким ТЎХТАМИРЗАЕВ

Оқсоқол - куйинчак

МУАММОМИЗ ЕЧИМИ ЎЗИМИЗГА ҲАМ БОҒЛИҚ

Эндиликда кўпгина ижтимоий муаммолар маҳалланинг кучи билан ҳал қилинмоқда. Одамлар бу кун ҳар ишни бошлашдан олдин маҳалла кишилари билан маслаҳатлашадилар. Бу яхши. Бироқ маҳалланинг ўзида ҳам ҳал этилиши керак бўлган айрим муаммолар мавжуд. Масалан, бизнинг маҳалламиз аҳолисининг ҳаммаси ҳам ишлаш имкониятига эга эмас, уларнинг кўпчилиги ёшлар. Ҳаммалари ишга чанқоқ...

Маҳаллаларда кўпроқ қўшимча корхоналар очиб, янги иш ўринлари яратилса, бу муаммога чек қўйилган бўлардиди...

Аҳолини тоза ичимлик сув билан тўлиқ таъминлаш ва ҳовлиларни суғориш масаласи фуқароларни ўйлантириб келмоқда. Нурота ярим чўл ҳудудига киради, табиий оқарсув манбаи деярли йўқ. Шунинг учун шаҳарда ўнлаб қудуқлар кавланган. Аммо уларнинг суви шўр, ичишга яроқсиз. Халқ эса сувни истеъмол қилишга мажбур бўлмоқда.

Ҳудудимиздаги мавжуд чашмаларнинг суви шифобахш, таркибида ўн бир хил фойдали кимёвий моддалар бор. Шунинг учун чашма сувининг бир томчисини ҳам ҳовлиларни суғоришга сарфламай водопровод тармоғига оқизилса яхши бўларди.

Ҳар биримиз ўзимиз яшаётган маҳалла ҳаётига бефарқ бўлмасак, унда учраётган муаммолар хусусида баҳамжиҳатлик билан фикрлашсак, менимча кўпгина жумбоқлар осонгина ҳал бўлардиқўярди. Сиз нима дейсиз?

Қодир ХАЗРАТОВ, Навоий вилояти Нурота шаҳридаги Тинчлик маҳалласи фуқаролар йиғинининг раиси.

Посбонлар синови

КИМЛАР ШАҲОДАТДАН ЎТМАДИ?

Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси томонидан халқ тинчлиги ва осойишталигини таъминлашга катта ҳисса қўшаётган «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаларининг сардорлари ва аъзолари шаҳодатдан ўтказилди.

Республика Ички ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси томонидан ҳамкорликда ишлаб чиқилган «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари аъзолари ва сардорларини шаҳодат синовидан ўтказиш бўйича Услубий қўлланмада шаҳодат комиссияси таркибига кимлар киритилиши, шаҳодат синовини ўтказиш тартиби ва баҳолаш мезонларининг аниқ белгиланганлиги маҳалла посбонларини синовдан ўтказишда жуда қўл келмоқда.

Вилоятимиздаги мавжуд 282 нафар «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари сардорларидан 187 нафари, 807 нафар посбоннинг 692 нафари шаҳодат синовидан муваффақиятли ўтди. Ўз хизмат вазифасига жиддий муносабатда бўлмагани, тўпланган балларининг камлиги учун шаҳодат синови комиссияси хулосасига кўра сардорларнинг 77 нафари ва посбонларнинг 147 нафари шаҳодат синовидан шартли равишда ўтган деб ҳисобландилар.

Ножўя хатти-ҳаракат содир этгани, ўз вазифасини суистеъмол қилгани учун огоҳлантирилган айрим посбонлар шаҳодат синовига қўйилмади.

Билим доираси пастлиги, Низом талаблари даражасида маҳалла аҳлини тинчлик ишига жалб этолмаганлиги учун 23 нафар сардор синовдан ўтказилмади.

Ушбу тадбирнинг талаб даражасида ўтказилишида вилоятнинг туман, шаҳар ички ишлар бўлимлари ҳамда Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармасининг туман-шаҳар бўлинмалари раҳбарларининг шаҳодат комиссияси таркибига киритилгани, ички ишлар идораларининг бой тажрибага эга бўлган фахрийлари, намунали маҳалла оқсоқолларининг вакил сифатида қатнашгани муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Синов жараёнида «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари сардорлари ва аъзоларининг ички ишлар идоралари ходимларига ёрдам беришга қай даражада қодирлиги, шахс сифатида шаклланганлиги, билим савияси, дунёқараши, миллий истиқлол мафкурасини қандай тушуниши, ҳуқуқий онги қай даражада эканлиги, юриш туришию, муомала маданиятидан тортиб маҳалладаги тадбирларда иштироки ва ташкилотчилик қобилияти эътиборга олинди.

Бахриддин СУЛТОНОВ, Навоий вилояти ИИВ ҲООББ инспектори, милиция лейтенанти.

Муносабат:

«Маҳалла ходими ким?»

2002 йил 10 июль

ҲАМКОРЛИК САМАРА БЕРСА...

«Маҳалла ходими ким?» сарлавҳали мақолада маҳаллада жорий этилган педагог-тарбиячи вазифасининг йўлга қўйилиши борасидаги қилинган ишлар ҳақида мулоҳаза юритилган. Ҳақиқатдан ҳам кейинги йилларда республикамизда вояга етмаганлар ва ёшлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ишларини янада кучайтириш мақсадида ташкилий-тарбиявий ишларнинг самарадорлигини ошириш, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишни ташкил этиш учун милиция таянч пунктларининг инфратузилмасини такомиллаштириш йўлида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Шу мақсадда амалга оширилаётган Ички ишлар вазирлиги ва унинг жойлардаги идоралари томонидан тегишли вазирликлар, мутасадди ташкилотлар, айниқса маҳаллалар билан ҳамкорликдаги тадбирлари яхши натижа бермоқда.

Айниқса, Вазирлар Маҳкамасининг махсус Қарори билан вилоятлар марказлари, йирик шаҳарлар, туманлар марказлари ва қишлоқларда милиция таянч пунктларини ташкил этиш, инфратузилмасини такомиллаштириш ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари - маҳалла ходимлари таркибига педагог-тарбиячи лавозимининг киритилганлиги ҳам бу борада амалга оширилаётган ишларнинг ижобий томонга ўзгаришига хизмат қилиши шубҳасиз.

Чунки педагог-тарбиячилар 17 ёшга тўлиши муносабати билан меҳрибонлик уйларидан қайтган, ихтисослаштирилган ёпиқ турдаги интернат-мактаблар ва касб-ҳунар мактабларини тугатиб келган вояга етмаганлар, ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари томонидан йўлланган ўсмирлар, мустақил даромад манбаи бўлмаган ва боқувчисини йўқотган ёшларга, ички ишлар идоралари ҳисобида турувчи тарбияси оғир болаларга ижтимоий кўникма марказлари орқали моддий ва маиший жиҳатдан ёрдам уюштиришда, шунингдек уларни ишга ва ўқишга жойлаштиришда ички ишлар идоралари ходимларига яқиндан кўмаклашадилар. Ўйлаймизки, маҳалла педагог-тарбиячиси ва маҳалладаги милиция таянч пункти ходимлари, участка нозирларининг ўзаро ҳамкорлиги ёшлар тарбиясини яхшилашда катта самара беради.

Шуҳрат РЎЗИЕВ, милиция майори.

11 сентябрь !!!

Дунёни ларзага келтирган КУН

2001 йилнинг 11 сентябри том маънода дунёни титратган кун сифатида тарихдан жой олиши шубҳасиз. Нью-Йоркдаги фожеалар терроризмга қарши курашни алоҳида-алоҳида эмас, балки барча тараққийпарвар кучлар бирлашган ҳолда олиб борилсагина ижобий натижалар бериши мумкинлигига инсоният ишончи ҳосил қилди. Кўплаб давлатларда юртбошимиз Ислом Каримов бу борада анча аввал айтган фикр-мулоҳазалар, ташаббуслар ва таклифлар энди жиддий қабул қилина бошланди.

МАХСУС ПАРАШЮТЛАР

Калифорнияда фаолият юритувчи Emergency evacuation systems компанияси осмонўпар биноларда ёнғин юз берганда одамларни қутқариш учун махсус парашютлар яратди ва сотувга чиқарди.

Бу парашютлар ёнаётган бинонинг юқори қаватларидан пастга сакраган одамларнинг ерга хавфсиз қўнишини таъминлашга мослаштирилган. Бундай парашютларнинг икки хил тури - қутқарувчи ва оддий фуқаролар учун яратилгани диққатга сазовор. Битта парашютнинг нархи тахминан 1 минг 650 долларга тенг бўларкан.

Лос-Анжелес яқинидаги Малибу шаҳрида жойлашган компания аввалига ҳавода оддий воситалар ёрдамида учишни хоҳловчилар учун мосламалар ишлаб чиқариш ниятида эди. Аммо 11 сентябрь фожеалари уларнинг режаларига ўзгартириш киритди. "Emergency evacuation systems" асосчиларидан бири Жереми Айрлэнд "Los Angeles business journal" газетасига берган интервьюсида ўзларининг асосий мақсадлари одамлар ҳаётини сақлаб қолиш эканига урғу берган.

Компания жуда кўп синовларни ўтказишга улгурган. Аммо ҳозирча уларнинг бирортаси ҳам осмонўпар биноларга тўла Калифорнияда бажарилмаган. Лос-Анжелес марказида бундай сакрашларни ўтказишга рухсат олиш ва уни телереклама учун суратга тушириш бўйича харажатлар жуда катталиги бунга ҳалақит бермоқда.

МОДДИЙ ЁРДАМ

АҚШ маъмурияти ҳалок бўлганларнинг қариндошларига моддий ёрдам кўрсатмоқда. 25 кишига мана шундай ёрдам кўрсатиш хусусида таклиф юборилган. Улардан 9 таси бунга розилик билдирган. Ҳукумат дастурига биноан 11 сентябрдаги фожеада ҳалок бўлганлар оилаларининг ҳар бирига тахминан 1,6 млн. доллар миқдорида кўмак берилади. Ҳозирга қадар АҚШ адлия вазирлигига ёрдам сўраб 662 оила вакиллари мурожаат қилишган.



ЎЛГАН ОДАМНИНГ "ТИРИЛИШИ"

АҚШдаги террористик актлардан деярли бир йил ўтгандан сўнг Нью-Йорк касалхоналаридан бирида Жорж Сима деган касал аниқланди.

Ҳозирга қадар у Жаҳон савдо марказида ҳалок бўлганлар рўйхатида эди.

Симз хотирасини йўқотган ва руҳий жиҳатдан касал. У касалхонага қандай келиб қолганини ҳеч ким билмайди.

2001 йилнинг 11 сентябрь куни Симз фожеа юз берган жой яқинида бўлиши лозим экани боис ўлганлар рўйхатига тушгани табиий.

Орадан бир йил ўтди. Дунё ўзгарди. Биз ўзгардик. Энди мусаффо осмон, элюрт тинчлиги ҳеч қачон бузилмаслиги учун ҳаммамиз ва ҳар биримиз курашмоғимиз лозимлиги барчага аён. Тинчлик-омонликда яшаш барчага насиб этсин!

М. ЙЎЛБАРСМИРЗАЕВ

МАҲАЛЛА ПОЛВОНЛАРИ

Қўрғонтепа туманидаги «Деҳқончилик» ширкатлар хўжалигида минг томошабинга мўлжалланган кураш мусобақалари ўтказиладиган янги спорт мажмуи фойдаланишга топширилди.

Маҳалладаги полвонлар ушбу спорт мажмуи қурилишининг ташаббускори бўлиб чиқишди. Маҳаллий усталар, ширкат хўжалиги бошқаруви уларни қўллаб-қувватлашди ва қурилиш материаллари ажратилди. Ҳашар усулида олиб борилган қурилишда кекса полвонлар билан бирга уларнинг навқирон шогирдлари ҳам иштирок этишди.

Ўзбек кураши дунё бўйлаб дадил қадам ташлаётган бир вақтда узоқ бир қишлоқда хайрли ташаббуснинг амалга ошгани ҳар қанча таҳсинга лойиқ.

Наманган вилояти. «Туркистон-пресс»

● *2002 йил - Қарияларни қадрлаш йили*

Расул РАҲМОНОВ

ҚАТАҒОННИ ҚОЛДИРИБ ДОҒДА...

Басимахон ая Ҳасанхон қизи қатағон йилларида изтиробли қора кунларни бошидан кечирган, ҳаётнинг барча аччиқ-чучукларини тотган, бугун эса минг ойнинг юзини кўриб, умри роҳат-фароғатда ўтаётган оддий, оқила ўзбек аёлларимиз тимсоли.



Басима ая укаси Нохитхон Ниёзов (профессор) ва синглиси Ситорахон ая даврасида

Басимахонни узатадиган бўлишади. Қиз турмушга чиқмаслигини айтиб, оёқ тираб олади. Бўлажак оиласини, куёвнинг келажагини ўйлаб, виждон ҳаками билан ўлчаб шу ҳукмни чиқарганини ҳеч ким тагига етолмасди. Онасининг «Одамлар юзига қандай қарайман!» деган титроқ оҳ, зоридан Басимахон ўйланиб қолди. Ўз бахтидан чекинишининг сабабини айтмаса, бўйига етган, тўкис, кўҳли қизнинг атрофида шубҳа, гумон, маҳалла, кўй-гузарда



Басима ая набираси билан.

ўринсиз шивир-шивир бошланиб кетишини ҳис этди.

- 1931 йилда ГПУчилар ҳибсга олди. Беш кун тергов қилиб, чиқариб юборишди. 1937 йилда барибир мустабид тузум қатағони отажонимни домига тортиб кетди. Кейин, Ҳусанхон Ниёзий амакимдан жудо қилдилар. Ўшандан бери, кўрқувда, хўрликда яшаймиз. Авлодимизнинг, яқинларимизнинг номи қора. На ўқишда ва на ўсишда ҳаловаги бор.

Ахир мени турмушга бермоқчи бўлган шундай ажойиб, ботир зобитнинг келажагига, ҳаётига зомин бўлиб қоламиз-ку?

Ҳа, куёв бўлиши кўзда тутилган йигит Полвонқул ҳам кичик одам эмас экан, Пахтаобод туман ҳарбий комиссари вазифасида ишларкан. 1943 йилгача урушда етти марта оғир яралар бўлиб, Андижонга шифохонага даволанишга келиб қолган экан. Олий Ҳарбий маълумотли дейишди. Асли насаби Ховоснинг Жўлангир қишлоғилик зиёли, Бухоро мадрасасини тамомлаган мулла Маматқул ҳожи деганнинг ўғли Нарзиқул ҳожининг фарзанди экан.

Басимахоннинг фикрларини эшитган Полвонқул Нарзиқулов ҳайратини яширолмади, ҳарбийларга хос қатъийлик билан ўрнидан туриб кетди.

- Э қойил! - деди худди жангга отланаётгандек белидаги энли камарини тўғрилаб, телпагини бостириб қўяр экан. - Ҳозирдан келажагимни, бардавомликни ўйлабдими, бокира, ақлли қиз экан. Ўзини қадрини билган, ўзгани ҳам қадрига етади. Ўлсам ҳам шу қизга уйланаман, майли мени ҳам қатағон қилиша қолсин, ундан айрилмайман, бахтли қиламан. У шунга лойиқ.

- Юрагим сиқилиб кўнглимга ҳеч нарса сиғмаган, адолатсизликка рўбару келган кунларим аямга мурожаат қилишга одатланганман, - дейди бугун Басимахон вояга етказган тўрт қиз, тўрт ўғил - саккиз солиҳ фарзандинг ўртанчаси, жамоат ва давлат арбоби Муҳиддин Полвон ўғли Нарзиқулов. - Волидайи меҳрибонимнинг доно маслаҳатлари, дуоларини олиб ғашлигим ёзилиб, тўғри йўлимни топиб оламан.

Ая ҳақида мамнунлик сўзларини у яшаган Жиззах вилоятининг Янгиер шаҳрига, Сирдарёнинг Жўлангир қишлоғига йўлингиз тушса, етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган азизлар лабзидан ҳам эшитасиз.

- Ая халқ донишмандлигини ўзида мужассам этган адабиёт ихлосмандларининг саркори. Алишер Навоий, Бобур, Фузулий, Саъдий, Аҳмад Яссавий, Машраб, Ҳувайдо, Умар Ҳайём, Бедил сингари улуғларнинг ғазалларидан, рубоийларидан йигирма мингдан ортиқ шоҳ сатрларни, пурҳикмат байтларни ёд билади, - дейди Ўзбекистон Халқ ёзувчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Саид Аҳмад. - Саидахон ҳам улар ҳақида кўп гапирарди. «Сизни айбсиз айбдор ҳисоблаб, банди этган кезлари, ер қаттиқ, осмон йироқ, ҳақиқат излаб ҳуқуқ-тартибот идораларига қатнаб нажот топмай, хўрликдан, ёлғизликдан ўлимимга рози бўлиб турганимда Ая кўз ўнгимга келдилар. Андижон шаҳридаги Бобур мадрасасини ўз маблағига қурдирган, маърифатпарвар бой, зодагонлар хонадонида бамаъни тарбия топган, серғайрат Басимахон ая ҳузурларига бордим», дейди Саидахон менга.

Бу даврда Басимахон оталари, биринчи устоз муаллим Ҳасанхон эшон Ниёзий, амакилари биринчи ўзбек халқ профессори, кимё, физика фанлари бўйича ўзбек тилидаги дарсликлар муаллифи, биринчи кичик моторли самолёт ясаб учирган (1916 й.), ҳовлисидан оққан ариққа мўъжаз гидроэлектростанция қуриб атрофни чароғон этган (1920 й.), фарзандларини робот-қўғирчоқ ихтиро қилиб ҳайратда қолдирган, баркамол инсон Ҳусайинхон Ниёзийни инқилоб душмани, жадид, босмачиларнинг шериги, Акмал Икромов, Файзулла Хўжаевнинг «думи» деган «айб»ларни ёпиштириб, «Миллий иттиҳод» гуруҳининг Андижон бўлими раиси сифатида отишганда қалби жароҳатлар билан қопланган эди. Адибнинг эътирофича, Саидахон Аянинг уйидан умид тўла дил билан қайтганини тўлиб-тошиб ҳикоя қилган.

Президентимиз «Ҳақиқий тарихни билмасдан туриб, ўзликни англаш мумкин эмас» деб таъкидладилар. Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар оқландилар. «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи барпо этилди, Қатағон қурбонларини ёд этиш куни белгилаб қўйилди, «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи ташкил этилди.

Ҳозир ҳам ким билан суҳбат қурсалар ўқинг, ўқишга боринг деб қистайдилар.

Жаҳон равшан зиёйи илмдандур,

Кўнгил софи сафойи илмдандур.

Керак одамға қилғай илм ҳосил

Жаҳондин ўтмағай то маҳз жоҳил, деб

Фурқатнинг шеърий таъкидини уқтирадилар.

Басимахон Отиннинг жасоратини қайнилари, иқтисод фанлари номзоди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қиш-



Басима аянинг қатағон қурбони бўлган амакиси Хусайнхон Ниёзий

лоқ хўжалиги ходими, шахсий пенсионер, сулола анъаналарига кўра, шеърий мажмуалар муаллифи Худоёр Латипов - Латифий янгаларига атаб ёзган ғазалларида битганларидек:

Зоти билан забт этди жамийки зотни,

Латофатла қамради бизнинг авлодни.

Ховоснинг бўрон-шамолига бардош,

Берди, нолимай, оқизмай кўзда ёш.

Худога шукурларки, 16 нафар невара, 4 чевара, 4 қуёв, тўрт келин атрофларида парвона.

Аяга яхши нияти йўлчи юлдуз бўлди. У умр бўйи ўзини иш кўп жойга урди. Бирон марта шуҳратга муяссар бўлишни хаёлига ҳам келтирмай машаққатли юмушларни адо этди.

Ҳаётнинг ёзилмаган турфа ўлчовлари бор. Равшанки, китоб, шеър ёзиш, ҳикматлар айтиш таниқли даҳоларга, улуғ сиймоларга, адибларга нисбат бериб келинади. Хўш, оддий, камсуқум, оила, маҳалла, қишлоқ даврасида ўз донишмандлиги, таланти, туғма истеъдоди билан танилган, пурҳикмат насиҳатлари, ҳикоялари билан обрў орттирган шахсларчи? Ким улар билан шуғулланади, ибратли ҳаётини, ҳаваскорлик меваларини юзага олиб чиқади? Агар шундай маънавият, маърифат, юксак одоб ва ахлоқ мавзуига оид ижод намуналари ўрганилиши йўлга қўйилса, уларнинг содда бадиий асарлари кўпчилигининг мулкига айлантирилса, ўзларининг чиқишлари ташкил этилса мафкурамиз тараққиётига, ўзбек халқ оғзаки адабиётини бойитишга қўйилган муносиб ҳисса бўларди. Басимахон аянинг ҳаётий пандномалари, нотиқлиги бу эзгу амалга лойиқ қимматли манбадир.

Энг катта ўғли Ҳамидбек қурувчи-муҳандис, кейинги ўғли Сирожиддин умри қисқа экан армиядан қайтиб келиб, бахтсиз ҳодисадан ҳалок бўлган, Муҳиддин эса - ҳам ҳуқуқшунос, ҳам автомобил йўллари институтини битирган. Кенжа ўғил Уйғунжон ҳожи ҳам муҳандис. Қизлари - Маҳбубахон, Насибахон, Гўзалой, Сурайёхонлар ҳам олий маълумотли мутахассислар бўлиб етишишди. Фарзандлари кўмагида муборак Ҳаж сафарига эсон-омон бориб, муқаддас зиёратга мушарраф бўлган Басимахон ая бугун оиласининг ойинаси, элнинг дуогўйидир.



ФАСЛГА ҚАРАБ МОСЛАША-ДИГАН КИЙИМ

Аргентинада чиқадиган «Кроника» газетаси австралиялик олимларнинг олиб бораётган тадқиқотлари хусусида хабар берди.

Камберридаги университетнинг олимлари ўзидан ток ўтказадиган мато ишлаб чиқаришга эришганлар. Матбуотнинг хабар беришича бу матодан ажойиб хусусиятга эга бўлган кийим-бошлар тикиш мумкин. Матога ингичка тола симлар қўшиб тўқилган-ки, махсус датчиклар ёрдамида бу симлар кийимни совуқ кунларда торайишига, иссиқ кунларда эса кенгайишига хизмат қилади. Яъни кишининг бадани қишда ҳам, ёзда ҳам бемалол ҳаво олиши мумкин. Бу матога микроскопик уяли телефон ёхуд плеер ҳам ўрнатиш кўзда тутилган. Лекин бундай кийим-бошларни яна 15-20 йиллардан кейин харид қилиш мумкин.

ОТА-ОНА УЙДАН КЕТГАЧ...

Йошкар-олалик ўн бир яшар боланинг хурмача қилиқлари, дайдилиги ва бўлар-бўлмас сабаб билан уйдан қочиб кетишлари, ота-онасию, буви-бобосининг ҳам жонига тегиб кетди.

Тутинган онаси вақтинчалик уйдан кетиб туришга кўндирди. Бола навбатдаги «саёҳат»дан уйига қайтиб келганида столнинг устида унинг номига ёзилган хат ётарди. Хатда «Ана энди бир ўзинг яшаб кўр, биз кетдик, совиткичда егулик нарсалар бор» дейилган эди. Ҳаммани асабига тегадиган бола ёлғизликка бир кунгина чидай олди. Эртасигаёқ милиция ходимларидан уйдагиларни топишга ёрдам беришларини сўради. «Мари ҳақиқати» газетасининг ёзишича, бу тадбир фойда берган.

Мана уч йилдирки, бола ўз уйидан бир қадам ҳам йироқлашмаяпти.

«ЎРГИМЧАК ҚИЗ»

Воронежлик қиз етти ёшда бўлишига қарамасдан ҳозирнинг ўзидаёқ Гиннеснинг рекордлар китобидан жой олди.

Унинг бу шарафга эришишига ҳеч нарсадан қўрқмаслиги, абжирлиги, чаққонлиги сабаб бўлди. У яқинда иситиш қозонининг тиштдан ишланган 86 метрлик трубасига бемалол чиқиб тушди. Бу ҳам ҳолва экан. Яқинда у учар арғимчоқда 170 марта айланди. Валяни гапига қараганда арғимчоқда бундай ҳаракатлар қилиш унга ҳеч қандай қийинчилик туғдирмас экан, ва умуман у ҳеч нарсадан қўрқмас экан. Лекин кўпчилик эътироф этишича қизга бундай хатти-ҳаракатларини тўхтатиш маъқул. Мутахассисларни аниқлашларича қизчала ўзини ўзи аяш инстинкти йўқ экан. Қизнинг ота-онаси эса Валянинг ҳар қандай ҳаракатларига барҳам бериш ўрнига, аксинча қизларини бундай ишларига рағбатлантирмоқдалар.

Ф.ГОЙИБОВ



Бекатларимиз...

Шаҳримизга монанд бўлсин

Шаҳримиз қиёфаси кун сайин гўзаллашиб бораётган бир пайтда баъзи бир автобус, трамвай-троллейбус бекатларининг аҳволи кишини ачинтиради.

Тўғри, дўкон қурилиши орқали битган бекатлар бошқаларига қараганда қулайроқ. Улар соябон ва ўриндиқлар билан таъминланган.

Аммо баъзи бекатларда чиқиндиларни ташлайдиган идишлар бўлмагани, уларнинг кўча фаррошлари томонидан тозаланиб турилмаслиги, баъзи ёшларимизнинг писта пўчоқлари, кераксиз қоғоз ва бошқа нарсаларни ерга ташлаб кетишлари туфайли баъзи бекатларимиз ифлос, аянчли ҳолга келиб қолмоқда.

Юнусобод туманидан келишда Олой бозори қаршисидаги бекатда 28 та йўналишдаги автобуслар тўхтаб ўтар экан. Бекат ҳам шунга яраша бўлса эди. Жазирама офтоб ва ёғингарчиликда йўловчилар очиқ бекатда йўл пойлайдилар. Бунинг устига бекат соябони ва ўриндиқлари металлдан. У қишда музлатади, саратонда қуйдиради...

Ш.ОРИПОВ,
пенсионер.

● *Гўдаклар уйининг боласи*

СИЗНИ УНУТГАНИМ ЙЎҚ...

Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида шундоққина катта йўлнинг чеккасида вилоят соғлиқни сақлаш бўлимига қарашли Гўдаклар уйи жойлашган. 60 ўринга мўлжалланган ушбу бино 1972 йилдан бери ишлаб келади. Гўдаклар 4 ёшгача шу ерда тарбияланадилар. Гўдаклар уйини кўпчилик жамиятнинг айри бир бўлагидек тасаввур қилади. Бу ерда ҳам сизу бизнинг болаларимиз каби болалар - бирови шўхроқ, бирови одамови, яна бирови ёшига нисбатан анча ақллироқ.

Гўдаклар ҳар доим меҳрибон энагалар, тарбиячи, шифокору ҳамшираларнинг парвариш ва ардоғидалар. Гўдаклар уйи мудираси Муҳаббат Бўриева бу ҳақда шундай дейди:

- Бу ерда болалар учун барча шароитлар муҳайё. Ойша Исматова, Ҳожар Аҳмедова, Ҳалима Ўроқова, Зайнабхон Набиева каби тарбиячи ва ҳамширалар ҳамма вақт болаларга парвона бўлиб турадилар. Уларни жамиятимизнинг тўлақонли аъзолари бўлиб етишишлари учун бор имкониятларимизни ишга солмоқдамиз. Чақалоқларимиз уйдагидек бешикларда тарбияланадилар. Бешикнинг хосиятлари ҳақида гапириб ўтиришимнинг ҳожати йўқдир. Болаларимиз орасида касалликлар, бу йил бирор марта қайд қилинмади. Бу биз учун катта гап. Шу йил январь ойида Рўзмат Ғойибов номли хайрия жамғармаси томонидан Саломат Ғойибова бир йилга етадиган памперслар билан болаларимизни таъминладилар. Бу нарса болаларимизга жуда ҳам асқотади. Гўдаклар уйи учун вилоят соғлиқни сақлаш бўлими керакли дори-дармонларни ажратиб турибди. Ногиронлар гуруҳи ҳам бўлиб, улар мунтазам парваришга муҳтождирлар. Бир нарсага диққатингизни қаратмоқчи эдим: ногирон болаларнинг кўпчилиги яқин қариндошлар никоҳидан туғилганлар, камқон оналарнинг болаларидир. Собиржонни Қарши шаҳридаги майдондан топиб келтиришган. Ногиронлигини билиб, ташлаб қочишган бўлса керак. Уч ёшга кириб энди тик тура бошлади. Гап тинглашини кўряпсизми, ақлли йигит бўлади.

Гўдаклар уйи ҳар йили жорий таъмирдан чиқарилади. Маълум бўлишича ташкил топганига ўттиз йилга яқин вақт бўлган бўлса бирор марта капитал таъмир қилинмаган. Ташқи томони кичкинтойлар яшаётган уйга ўхшамайди. Бундан ташқари айни қиш чилласига бориб газ босими кескин камаяди. Яна шуниси борки ноябрь охирларида берилган иссиқлик март ойидан бошлаб ўчирилади.

- Гўдаклар уйи ташкил этилганидан буён шу ерда ишлаб келаман, - дейди бош ҳамшира Мавлуда Файзуллаева. - Болалар билан ишлашнинг ўзига яраша қийинчиликлари бор. Аммо шундай пайтлар бўладики, бир оғиз ширин гап, миннатдорчилик бутун чеккан машаққатларингни унутишга сабаб бўлади. Илгари болалар бу ерда 6 ёшгача тарбияланарди. Шундай болалардан бири яқинда келиб, кўпчиликнинг ичида: «Опа, мен сизни эслайман, касалхонада мени олиб ётгансиз. Сизни ҳечам унутганим йўқ» деганида қанчалар мамнун бўлганимни кўрсангиз эди. Энди кап-катта йигит бўлиб, болаларга пианино чалиб бергани келибди. Исми жисмига мос - Отабек шу куни барчамизни хурсанд қилди.

Қувончли ҳодисалар билан бирга кўнгилни вайрон қиладиган ҳоллар ҳам учраб туради. Яқинда ёшгина келинчак эри билан келди. «Мен аслида кимнинг фарзандиман, айтинг, улар ким ўзи?!» Бу жонни ўртар саволларга бизнинг жавоб беришга ҳаққимиз йўқ. Чунки қизалоқни зиёли бир оила фарзандликка қабул қилиб тарбиясига олган эди.

Ёшгина аёл чақалоғини олиб келди. «Мен ўзим ҳам шу ерда тарбияланганман, боламни ҳам шу ерда қолдирмоқчиман». Рост, бу ерда болаларга меҳр билан муносабатда бўлинади. Аммо, она меҳрига тенг келадиган меҳр ҳеч жаҳонда топилмас. Ҳарқалай аёл қарорини ўзгартирди.

Гўдаклар уйига якка шахслар, фирмалар ўз саховатларини аямай келишяпти. Шаҳрисабзлик ака-ука Ҳуснидин ва Усмонжон Саломовлар («Садоқат» фирмаси) бешта боланинг хатна тўйларини ўтказиб бериб, банкда улар номига ҳисоб рақами очдилар. Мармарни қайта ишлаш очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти таъмирлаш ишларига ёрдам бермоқда. «Шўртангаз» газ конлари маъмурияти болалар учун икки қаватли барча шароитлари бадастур янги бино қуриб беришни ваъда берганлар. Янги бино ишга тушгач болалар тўрт ёшгача эмас, олти ёшгача шу ерда тарбияланадилар.

Гўдаклар уйи Собир Раҳимов номли маҳаллада жойлашган. Маҳалланинг барча тадбирида ёки гўдаклар уйида ўтказиладиган тадбирларда маҳалла билан ҳамжиҳатликда иш олиб борилади. Маҳалла оқсоқоли Бурҳон ака Худоёров ҳам Гўдаклар уйининг барча шодлик ва ташвишларига шерик.

Юқорида тилга олганимиз муаммолар долзарб бўлиб, шу кунлар ичида ечимини топса яхши бўларди. Бу ишда ҳомийлар ёрдамига умид қиламиз.

Инобат НОДИРШОҲ қизи.

ЧИНГИЗХОННИНГ ҚАБРИ ҚАЕРДА?

Тарихдан тариқча

Тарихда ном қолдирган ҳукмронлардан бири Чингизхон эди. Чингизхон ўзига жангсиз таслим бўлмаган давлатлар устига ғазаб билан қўшин тортиб келар, халқини ваҳшийларча қириб ташлар эди...

Албатта, ҳали у ўз ўлими ҳақида ўйламас, ҳатто «Мен ўлмасам керак. Чунки, мен асли инсон зотидан эмас, нурдан яралганман», деб мулоҳаза юритарди. Ҳар гал аждодлари тарихини ўқиганида ўзининг боқий умр эгаси эканлигига ишончи ортар, бошқаларни ҳам шунга ишонишга даъват этарди.

Ривоятларга кўра, Қурлос қабиласида Аланқува исмли соҳибжамол аёл яшаган. Унинг гўзаллигининг довруғи тўрт тарафга ёйилганди. Аланқуванинг Даюн Боён исмли эри бўлиб, у ёш ўлиб кетган эди. Бир куни Аланқува чодирда ухлаб ётганида туйнукда бир нур пайдо бўлиб, соҳибжамол аёлни ўз оғушига олади. Бу ёқимли лаззатдан гўзал Аланқува ҳушидан кетади. Шундан сўнг, нур дамбадам пайдо бўлиб шаҳло кўзли араб киши кўринишида Аланқувага тотли лаҳзаларни бахш этарди. Кўп ўтмай Аланқува ана шу нурдан ҳомилали бўлади. Ой куни тўлиб, бирваракайига уч ўғил фарзанд кўради. Унинг учинчи ўғли Бузунжор қоон бўлиб, Чингизхоннинг насаб шажараси унга туташади. Бузунжорнинг икки ўғли бўлиб, каттасининг исми Буқо эди. Буқонинг ўғли Туминахон бўлиб, у Чингизхоннинг еттинчи бобосидир. Туминахоннинг тўққиз ўғли бўлиб, саккизтаси ўлдирилган. Тирик қолган ўғлининг исми Қайдухон бўлиб, унинг учта ўғли бўлган. Биринчи ўғлининг исми Бойсунқур бўлиб, унинг ўғли ҳам Туминахон номли эди. Туминахоннинг ўғли Қобул эди. Қобудхон ҳам аждодларидек жасур ва қатъятли хон бўлиб, у ҳақда жуда кўп ривоятлар тарқалган. Унинг ўғли Бортон баҳодир ҳам отасидек машҳур ҳукмдор бўлиб етишди. Бортон баҳодирнинг фарзандлари кўп бўлиб, уларнинг ҳаммаси моҳир чавандоз эдилар. Учинчи ўғли Есуго баҳодир қолган ўғилларига бошчилик қиларди. Иттифоқо, Есуго баҳодир ва унинг уруғидан тарқаган авлодларнинг барчаси шаҳло кўзли эдилар. Яъни, Аланқува ҳомила орттирган шаҳло кўз араб наслига ўхшаш кишига саккизинчи авлод Есуго баҳодир тортган эди. Есуго баҳодирнинг турли қавмлардан хотинлари кўп эди. Уларнинг энг каттаси Улун Қурчин бўлиб, Есуго баҳодирнинг ундан тўрт ўғли ва беш нафар қизи бор эди. Унинг тўнғич ва энг яхши кўрган ўғли Темучин бўлиб, у 51 ёшида Найманларнинг улуғ подшоҳини ўлдиради. Шундан сўнг уни Чингизхон деб атай бошлайдилар. Шуниси ажабланарлики, Чингизхон туғилганида қўлида бир лахта эт-юшган қон бор эди. Яъни, у она қорнида ҳам тинч ётмаган, бола йўлдошдан бир парча узиб чиққанди. Чингизхон авлодлари ҳақидаги ривоятлар ва унинг ҳаёти уни ниҳоятда номдор шахслар қаторига қўшди. Тарихий манбалар яна шундан гувоҳлик беради, Чингизхон тўнғиз йилида туғилиб, тўнғиз йилида подшоҳ бўлганди. Унинг вафоти ҳам айнан тўнғиз йилига тўғри келади.

Хуллас, Чингизхоннинг аждодлари нечоғлик илоҳий нурга бориб тақалмасин у жуда золим ва бешафқат бўлиб етишди.

Чингизхон кексайган сайин қандай қилиб ўлмаслик ҳақида ўйлай бошлади. Унинг сон-саноқсиз аъёнлари ҳам ўз ҳукмдорларининг умрини узайтириш ҳақида бош қотиришарди.

Кунлардан бирида Чингизхон Хитойда, чекка бир тоғда яшовчи даос руҳонийси Чан Чун абадий яшаш сирини билар экан деган гапни эшитиб қолди. У зудлик билан руҳонийни топиб келишни буюрди. Чан Чун Шимолий Хитой, Мўғулистон, Шарқий Туркистон ва Еттисув орқали узоқ, машаққатли йўл босиб, ниҳоят, 1222 йилнинг 16 майида Амударё қирғоқларида турган Чингизхоннинг олдига етиб келди. Мўғуллар хони сабрсизлик билан уни сўроққа тутади:

- Эй, авлиё одам! Сен узоқлардан йўл босиб келдинг. Айтгинчи, ҳаётни абадий қилувчи қандай дорилар бор?

- Касалликни даволовчи дорилар бор. Лекин абадий ҳаёт бахш этувчи дори йўқ, - жавоб беради руҳоний Чингизхонга тик боқиб.

Орага даҳшатли жимлик чўкди. Чунки, ҳали ҳеч ким нима ҳақда сўрамасин ёки қандай иш буюрмасин Чингизхонга «йўқ» деб айта олмаганди. Тўпланганлар руҳоний ўлимга маҳкум, деган фикрга келгандилар. Ҳукмдор бир нуқтага тикилганича узоқ ўйга чўмди. Чан Чунни ўлимга буюрмасада унга уйига кетишга рухсат бермади. Саройда олиб қолди.

Ўлим ҳақ экан деган қарорга келган Чингизхон тезроқ ўзига бўйсунмаётган Тангутлар подшоҳи ва унинг халқини қириб ташлашга қарор қилди. 1225 йилнинг ноябр ойида у ўз қўшинларини Тангутлар мамлакати устига бошлаб борди. 1227 йилнинг ёзига келиб, Тангутлар деярлик мағлубият остонасига келиб қолишганди. Лекин Чингизхон қутилмаган фалокатга учради. Ёввойи отларни овлаш пайтида отдан йиқилиб мияси қаттиқ лат еди. Кундан-кунга аҳволи оғирлашиб, ўлими аниқ бўлиб қолди. Не-не ҳукмдорларни зир титратган, қўрқув, раҳм-шафқат нима эканлигини билмаган ҳукмдор алаҳсираб чиқар, талмовсирар, сайёд олдида ётган қушдек типирчиларди. Шундай бўлса-да у шаштидан қайтмади. Ўз яқинларига ўлими сир тутилиши, Тангутлар подшоҳи таслим бўлгач, уни ва халқини ёппасига битта ҳам қўймай қириб ташлашни васият қилди.

Чингизхон 1227 йил, 29 август куни жон берди. Тангутлар пойтахти Си Ся шаҳрида Чингизхон учун мақбара бино қилинди. Лекин мўғуллар хони бу мақбарага дафн этилмади.

Курраи заминни ларзага солган, номининг ўзиёқ одамларни қўрқувга солган ёвуз ҳукмдорнинг қабри қаерда экани номаълум. Тарихчи Рашидиддиннинг ёзишича, Чингизхонни Мўғулистонга олиб бориб дафн этишган. Йўлда учраган на одам, на бир жониворни тирик қўйишмаган. Уни бепоён чўлга дафн этадилар. Дафнда қатнашганларнинг ҳаммаси қириб ташланади. Шунинг учун ҳам унинг қабри қаерда эканини ҳеч ким билмайди.

Сайёҳ Марко Полонинг ёзишича, Чингизхон ва унинг авлодларини Олтой тоғларига дафн этишган.

Ёвуз ҳукмдорнинг қабрини излаш бугунги кунда ҳам давом эттирилмоқда. Япония ва мўғул олимлари энг замонавий асбоблар ёрдамида фотиҳ дафн этилган деб тахмин қилинаётган жойларда қидирув ишларини олиб боришмоқда. Ҳозирча бирон натижага эришилганича йўқ.

Қодир МУЛЛАҚВ.

Маҳалла ёшлари ўртасида ташкилий-тарбиявий, оммавий спорт ишларини ташкил этувчи педагог-тарбиячилар фаолияти бўйича

НИЗОМ

1.УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 16 майдаги 162-сонли Қарорига асосан вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ташкилий-тарбиявий, оммавий-спорт ишларини ташкил этувчи педагог-тарбиячиларнинг ишини ташкил этилишини, иш ҳужжатларининг юритилиш тартиби, лавозим вазифалари, ваколатлари, мажбурият ва ҳуқуқларини белгилаб берувчи меъёрий ҳужжат ҳисобланади.

1.2. Педагог-тарбиячи ўзи хизмат қилаётган ҳудудда профилактика ва вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш инспекторлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий Ҳаракати, умумтаълим мактаб маъмуриятлари, спорт қўмиталари, кенг жамоатчилик ва меҳнат жамоаларининг ёрдамига таянган ҳолда ёшлар ва вояга етмаганларнинг ҳуқуқий онгини юксалтириш, улар томонидан ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этишларини олдини олиш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги талабларни бажариш бўйича маҳалла, фуқаролар йиғинларининг асосий вакилидир.

Ҳудудда вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш йўналишида иш юритаётганлар олиб бориладиган барча профилактик тадбирларда педагог-тарбиячилар билан яқин ҳамкорлик қилишлари ҳамда ўзаро ахборот алмашувини йўлга қўйишлари шарт.

1.3. Педагог-тарбиячи ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, Президент Фармонлари, Фармойишлари, ушбу Низом, вилоятлар, шаҳар-туман халқ депутатлари Кенгашлари ҳамда ҳокимликларнинг Қарор ва Фармойишлари асосида олиб борадилар.

1.4. Педагог-тарбиячи хизмат фаолиятида қонунчиликка қатъий риоя қилиш, юқори даражада ҳуқуқий маданиятли бўлиш, жамоатчилик ёрдамига доимий таяниш ва оилада бенуқсон хулқ-атворга эга бўлиш тамойилларига таянади.

1.5. Педагог-тарбиячи лавозимига маҳаллада доимий истиқомат қилувчи, камида 5 йиллик педагогик стажга эга, вояга етмаганлар ва ёшлар билан ишлашга қобилиятли, ташаббускорлик хусусиятларига эга бўлган, жисмонан соғлом, маънавий жиҳатдан етук, маҳалла, ота-оналар ва кенг жамоатчилик ўртасида ҳурмат-эътибор қозонган, педагогик ҳамда тарбиявий йўналишда олий маълумотли, судланмаган, бошқа лавозимларда ишламайдиган номзодлар танлов асосида тайинланади.

1.6. Педагог-тарбиячиларни лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш шаҳар-туман ҳокимликлари ва ички ишлар идораларининг масъул раҳбар ходимлари билан келишилган ҳолда маҳалла фуқаролар йиғинининг қарори билан амалга оширилади.

2.ПЕДАГОГ-ТАРБИЯЧИЛАР ИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

2.1. Педагог-тарбиячиларнинг вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш инспекторлари, жамоатчилик, умумтаълим мактаб, «Камолот» ёшлар ижтимоий Ҳаракати ва спорт қўмиталари билан ҳамкорликдаги фаолиятини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси ҳамда профилактика (катта) инспектори ташкиллаштирадилар.

2.2. Лавозимга янги тайинланган педагог-тарбиячини хизмат ҳудудининг ўзига хос хусусиятлари, жамоатчилик тузилмалари билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси маъмурий ҳудуд фаоллари йиғилишида таништиради.

2.3. Педагог-тарбиячиларнинг вояга етмаганлар ва ёшлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, унга қарши кураш йўналишида ҳуқуқий ҳамда педагогик йўналишидаги услубий қўлланмалар, кўргазмали жиҳоз ва иш қуроллари билан таъминлашда шаҳар-туман халқ таълими бошқармалари амалий ёрдам кўрсатадилар.

2.4. Педагог-тарбиячиларнинг иш тартиби вазиятдан келиб чиққан ҳолда профилактика инспекторлари томонидан белгиланади. Бунда ҳудуддаги муассаса, корхона ва ташкилотларнинг иш вақтлари ҳисобга олинади.

Иш куни давомида барча педагог-тарбиячилар профилактика (катта) инспекторлари ва маҳалла оқсоқоллари билан мунтазам равишда алоқада бўлиб турадилар.

2.5. Педагог-тарбиячиларнинг кундалик иши вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш йўналишида фаолият олиб борувчи тегишли муассасалар, идоралар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган иш режаси асосида ташкил қилинади.

2.6. Педагог-тарбиячи ўзининг хизмат фаолияти натижалари бўйича ҳар чорак якунида хизмат ҳудудидаги шаҳар-туман халқ таълими, маҳалла фуқаролар йиғини, ички ишлар идоралари ва бошқа тегишли идоралар масъул раҳбарларига ҳисобот бериб борадилар ҳамда аҳоли ўртасида учрашув ўтказадилар.

2.7. Педагог-тарбиячилар хизмат фаолиятлари даврида профилактика инспектори, вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш инспектори, «Камолот» ёшлар ижтимоий Ҳаракати, спорт қўмитаси, халқ таълими бўлими ва унинг жойлардаги тизимлари билан узвий ҳамкорликда ишлайдилар.

2.8. Ҳудудда маънавият ва миллий қадриятларга қарши турли кўринишдаги хатти-ҳаракатларнинг пайини қирқиш, одоб-ахлоқ меъёрлари бузилишининг олдини олишга қаратилган чораларни кўради.

2.9. Ҳудудда вояга етмаганлар ва ёшлар томонидан содир этилган жиноят ва ҳуқуқбузарликларни таҳлил қилади ҳамда иш фаолиятини келгусида шу асосда режалаштиради.

2.10. Ички ишлар идоралари томонидан вояга етмаганлар қаровсизлиги ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган «Ўсмир», «Ғамхўрлик» каби профилактик тадбирларида фаол қатнашади.

2.11. Педагог-тарбиячининг аҳоли, айниқса ёшлар ўртасидаги обрўси, унинг фаолиятини баҳоловчи асосий мезонлардан бири ҳисобланади. Профилактик ҳисобда турганлар ва ёшлар муаммоси билан шуғулланадиган идоралар билан ишлай олиш қобилияти, ҳудудининг ўзига хос хусусиятларини ва у ерда яшаётган аҳолини мукаммал билиши, жисмоний ва касбий тайёргарлик даражаси унинг хизмат маҳоратини белгилайди.

3.ПЕДАГОГ-ТАРБИЯЧИЛАРНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

Профилактика инспекторлари ва вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш инспекторлари билан ҳамкорликда амалга ошириладиган вазифалар:

3.1. Маҳалла ҳудудида ёшлар ва вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш йўналишида юқорида таъкидланган муассасалар билан ҳамкорликда ҳар чоракка мўлжалланган иш режасини ишлаб чиқади ва шу асосда тадбирларни амалга оширади.

3.2. Маҳаллада вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашда профилактика инспектори билан узвий ҳамкорликда якка ҳамда умумий тартибда тарбиявий-профилактик ишини амалга оширадилар.

3.3. Вояга етмаганлар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишини дастлабки босқичида олдини олиш, ҳуқуқбузарлик содир этишга ундовчиларни ва содир этилиш сабабларини аниқлаш ҳамда бартараф этиш чора-тадбирларини кўради.

3.4. Ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этишга мойиллиги бор ёшларни аниқлайди, улар билан тарбиявий-профилактик ишларни амалга оширади ҳамда ички ишлар идоралари профилактик ҳисобида турган ҳуқуқбузар вояга етмаганлар билан ўрнатилган тартибда тарбиявий профилактик ишларни амалда таъминлайди.

3.5. Маҳаллада вояга етмаганлар орасида жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида ҳуқуқ-тартибот идоралари, ҳуқуқшунослар, таниқли спортчилар, санъаткорлар, психологлар, тиббиёт ходимлари иштирокида (ҳуқуқий, маърифий-маънавий, гиёҳвандлик, ОИТС, ичкиликбозлик, тамаки маҳсулотларини чекиш каби иллатларнинг олдини олишга қаратилган) тарбиявий акциялар, учрашувлар, давра суҳбатларини ташкиллаштирадилар.

3.6. Ёш авлодни миллий-тарбиявий усуллар билан ўзликни англаш, ватанпарварлик, миллий ғурур, миллатлараро мулоқот маданияти, миллий мафкуравий онглилик, миллий истиқлол ғоялари, миллий одоб, фидоийлик фазилатларини шакллантиришда таълим муассасалари, ижодий ташкилотлар ва бошқалар билан ҳамкорликда иш олиб боради.

3.7. Вояга етмаганлар ва ёшлар орасида ҳар қандай кўринишдаги сепаратизм ва экстремизмга қарши қаратилган билим ва маълумотларга эга бўлишларига кўмаклашиш мақсадида (таниқли олимлар, мутахассисларни жалб этган ҳолда) қизиқарли учрашувлар ўтказишни таъминлайди.

3.8. Маҳалла шароитига қараб таътил пайтида ёзги оромгоҳларга жалб этилмаган болалар учун дам олишни ташкил этишда масъул идораларга кўмаклашади.

3.9. Жазони ўташ жойларидан, ёпиқ турдаги махсус ўқув-тарбия муассасаларидан қайтган ўсмир ва ёшларга ижтимоий ҳаётга мослашиб, ўз ўринларини топишларида, иш ёки ўқишга жойлашишда кўмаклашади.

3.10. Ички ишлар идораларида профилактик ҳисобда турган вояга етмаганларнинг дунёқараши, қизиқиши ва уларнинг ҳуқуқбузарлик содир этишга ундовчи омилларни аниқлаш ва уни бартараф этиш чораларини кўради.

3.11. Ички ишлар идоралари профилактик ҳисобларида турган фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ота-оналарнинг фарзандлари ва кам таъминланган оилаларда тарбияланаётган ўсмирлар билан келажакда улар томонидан ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этилишининг олдини олиш мақсадида тарбиявий профилактик ишларни амалга ошириб, зарур деб топилганда моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисида маҳалла йиғинларига таклифлар киритади.

3.12. Ота-оналар билан доимий алоқада бўлади, зарур бўлганда жамоатчиликни жалб этган ҳолда ота-оналарга фарзандларининг тарбияси бўйича амалий-услубий ёрдам кўрсатади.

Фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ота-оналарни маҳаллада фаоллар ўртасида муҳокама қилади.

3.13. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишда тегишли ҳужжатлар тўплашда профилактика инспекторларига ёрдам кўрсатади.

3.14. Маҳалла ҳудудида истиқомат қилувчи ёшларнинг қанчаси умумтаълим мактабларнинг 9-11-синфларини битирганлиги, шундан нечтаси ўқув юртларига ўқишга кирган, нечтаси ишга жойлашгани, қанчаси ўқимай-ишламай юрганлиги тўғрисида маълумотларга эга бўлади.

3.15. Педагог-тарбиячи маҳалладаги таълим муассасалари вакиллари, профилактика инспекторлари билан биргаликда ота-онасиз қолган болалар ва ўсмирларни, болаларни тарбиялаш учун тегишли шарт-шароитни таъминлай олмайдиган ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни, ишламайдиган, ўқишдан бўйин товлайдиганларни, шунингдек, давлат ва жамоатчилик ёрдамига муҳтож бўлганларни аниқлаб улар билан маҳалла фаоллари ва тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида таълим-тарбиявий ишларни ташкиллаштиради.

3.16. Вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида маҳалла аҳолиси, умумтаълим мактабларида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг келиб чиқиш сабаблари, шарт-шароитлари ва оғир оқибатлари тўғрисида учрашувлар ўтказади.

3.17. Оила-турмуш доирасида содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар таҳлилини ўрганиб боради ҳамда бунинг натижасида ота-оналар томонидан вояга етмаган фарзандларига нисбатан салбий таъсир кўрсатилишининг олдини олиш мақсадида шундай оилаларни аниқлайди ва профилактик тушунтириш ишларини амалга оширади.

Оилалардаги вояга етмаганларга нисбатан зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш чораларини ташкиллаштиради.

3.18. Ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш, унга қарши кураш, вояга етмаганларнинг ҳуқуқий билимларини оширишга қаратилган тадбирларни ўтказади ҳамда уларга ички ишлар идоралари профилактик ҳисобларида турган вояга етмаганларни жалб этишни таъминлайди.

3.19. Диний идоралар ва имом-хатиблар билан ҳамкорликда вояга етмаганлар ва ёшлар орасида диний экстремизм, ақидапарастлик ғояларига қарши қаратилган («Дин ва терроризм» ва шунга ўхшаш мавзуларда) учрашувлар ўтказиб боради.

4. «КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ ТИЗИМЛАРИ, КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ, ЛИЦЕЙ ВА МАКТАБ МАЪМУРИЯТЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ИШЛАР

4.1. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати тизими бўлимлари билан ҳамкорликда вояга етмаганлар орасида ўз ватани ва халқига садоқатли, ҳуқуқий онгли инсонлар бўлиб етишишлари учун («Ватан - саждагоҳ каби муқаддасдир», «Ўзбекистон - Ватаним менинг», «Ватан - остонадан бошланади» деган мавзуларда) турли викториналар ўтказишни ташкиллаштиради.

4.2. Умумтаълим мактаб ва касб-ҳунар коллеж, лицей ўқувчилари ўртасида ҳуқуқий мавзуда ўтказиладиган «Сиз қонунни биласизми?» кўриқ-танловларига ички ишлар идоралари профилактик ҳисобларида турувчи тарбияси оғир ўсмирларни қайта ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этишларидан сақлаш, ҳуқуқий онгларини бойитиш мақсадида жалб этади.

4.3. Тарихий обидаларга саёҳатларни ёшлар ҳаракати, маҳалла ва мактаб маъмуриятлари билан ҳамкорликда ташкиллаштиради.

4.4. Маҳалладаги кам таъминланган оилалар фарзандлари учун болалар оромгоҳларига имтиёзли, бепул йўлланмалар билан таъминлашда фаол иштирок этади.

4.5. Вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида мусиқа, қўшиқ, рақс, шеърхонлик, иншо ва нафис санъат танловларини ташкиллаштиради.

4.6. Вояга етмаганлар томонидан ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этилишининг олдини олиш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида ҳуқуқий мавзуларда интеллектуал ўйинлар ва викториналарни ташкиллаштиради.

4.7. Касбга йўналтирувчи, қизиқишлар, хоббилар бўйича танловлар ўтказади.

4.8. Вояга етмаганлар ва ёшларнинг маданий хордиқ чиқаришларига қаратилган тадбирларни ташкил қилади.

5. СПОРТ- СОҒЛОМЛАШТИРИШ ТАШКИЛОТЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА БАЖАРАДИГАН ВАЗИФАЛАРИ

5.1. Вояга етмаганларни жисмонан бақувват ва соғлом тарбиялаш мақсадида умумтаълим мактаблари маъмурияти билан оммалашган спорт турлари бўйича тўгараклар фаолиятини ташкиллаштиради.

5.2. Ўсмирларнинг ақлий онгини ошириш мақсадида шахмат-шашка тўгаракларини ташкил этиб, шу йўналишда мусобақаларни ўтказади.

5.3. Республика, вилоятлар миқёсида ўтказиладиган спорт мусобақаларини томоша қилишга жалб этиш тадбирларини ташкил қилади. Бунда ички ишлар идоралари профилактик ҳисобида турган ўсмирларни жалб этишга катта эътибор берилади.

5.4. Маҳаллада ҳуқуқбузарликка мойил ва вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлимларида профилактик ҳисобда турганлар ўртасида турли хил спорт мусобақаларини ташкиллаштиришда фаоллик кўрсатади.

5.5. Маҳалла гузарларида вояга етмаганлар ва ёшларни бўш вақтларида оммавий-спорт мусобақаларини ўтказиш билан боғлиқ тадбирлар, бу йўналишда юқори кўрсаткичларга эришаётган ёшлар ҳақида имконият даражасида оммавий ахборот воситаларида ёритиб боришни йўлга қўяди.

6. МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИ ВА ТЕГИШЛИ ТАШКИЛОТЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ВАЗИФАЛАР

6.1. Ёшлар ва вояга етмаганларни меҳнатга лаёқатли қилиб тарбиялаш мақсадида пойабзал тикиш ва таъмирлаш, соатсозлик, дурадгорлик, наққошлик, чилангарлик, автомобилларни таъмирлаш, миллий ҳунармандчилик устахоналари, сартарошхоналар, нонвойхоналар ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехларида «Усто-шогирд» анъаналарини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшади.

6.2. Вояга етмаган ёш қизларни касбга йўналтириш, қизиқтириш мақсадида каштачилик, тикувчилик тўгараклари ва кийим бичиш, тикиш цехларига олиб бориб таништиради.

6.3. Ўзи хизмат қилаётган маҳаллада яшайдиган вояга етмаганлар ва ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари ва уларни бирон-бир «жиноят олами»га кириб қолмасликлари мақсадида чора-тадбирлар белгилайди ва ички ишлар идоралари, маҳалла аҳли ҳамда жамоатчилик билан биргаликда амалга оширади.

6.4. Маҳалланинг эътиборга лойиқ жойларида ёки милиция таянч пунктида ўқитиш, жамоат ишлари, спорт ва маданият соҳаларида ютуқларга эришаётган ёшлар ва вояга етмаганлар ҳаётига оид деворий газеталарни ташкил этади.

6.5. «Камолот» ёшлар ижтимоий Ҳаракати тизими, «Маънавият ва маърифат» Маркази кўмагида рўзнома ва журналлар, турли маънавий-маърифий, тарбиявий ишлар билан ташкил этилган «Маърифат хонасини» оптимал миқдорда таъминланишини ташкил этади.

6.6. Маҳаллада вояга етмаганлар ва ёшлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этилишининг олдини олиш бўйича профилактик ишларда ютуқларга эришган педагог-тарбиячиларнинг илғор иш тажрибаларини ўрганадилар ҳамда хизмат фаолиятида қўллайдилар.

6.7. Педагог-тарбиячи хизмат лавозими юзасидан профилактика инспектори билан ҳамкорликда амалга оширилган ишлар бўйича батафсил маълумотнома тайёрлайди ва маҳалла фуқаролар йиғини оқсоқоли ҳузурида ҳисобот беради

7. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ВА МЕҲНАТ БЎЛИМЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ВАЗИФАЛАР

7.1. Маҳалладаги вояга етмаганлар ва ёшларни иш ўринлари билан таъминлаш мақсадида шаҳар-туман ҳокимликларига кичик бизнес ва тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун имтиёзли шарт-шароитлар яратиш ҳақида таклифлар билан чиқади.

7.2. Маҳалладаги барча вояга етмаган ва ёшларнинг нима билан бандлигини аниқлайди. Ишламай юрган ёшларни корхона, ташкилот ва хўжаликларга ишга жойлаштириш юзасидан таклифлар киритади.

7.3. Меҳнат бўлими ходимлари билан корхона, ташкилотлардаги бўш иш ўринларини аниқлайди ва вояга етмаганлар ва ёшларга ишга жойлашишда кўмаклашади.

7.4. Вояга етмаганлар ва ёшларни иш ўринлари билан таъминлаш мақсадида «Иш ўринлари ярмаркалари» ўтказилаётганда ишсиз вояга етмаганлар ва ёшларни қатнашишларини ташкил этишда фаоллик кўрсатади.

8. ПЕДАГОГ-ТАРБИЯЧИЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

8.1. Хизмат ҳудудининг харитасини, иш режалари ва таҳлилий-ҳисобот ҳужжатлари, жиноятчиликка қарши кураш ҳамда унинг олдини олиш борасида давлат органлари ва корхона, ташкилотлар билан олиб борилган ёзишмалар бўйича йиғма жилдларни юритади.

8.2. Қонунчилик ва меҳнат интизоми талабларига оғишмай амал қилади.

8.3. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, «Камолот» ёшлар ижтимоий Ҳаракати тизими, халқ таълими бошқармаси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда вояга етмаганлар ва ёшларни ҳуқуқий билимларини ошириш бўйича иш олиб боради.

8.4. Ўз билим доирасини, ижтимоий-сиёсий дунёқарашини ривожлантириб бориш, соғлиги ва жисмоний тайёргарлигини мустаҳкамлаб, касб маҳоратини ошириб боради.

8.5. Вояга етмаганлар ва ёшлар билан ишлашда касбий, психологик билимларини оширади ва ривожлантиради.

8.6. Вояга етмаганлар ва ёшлар, оилаларнинг ўзига хос сирларини ўзгаларга ошкор қилмаслиги шарт.

8.7. Касб лавозимларини бажариш жараёнида ўз манфаатини давлат манфаатидан юқорига қўймаслиги лозим.

8.8. Маҳаллада истиқомат қилувчи кам таъминланган, кўп болали оилаларга мансуб ўқувчиларга белгул ўқув қуроллари, кийим-бош ажратиш тўғрисида таълим муассаси ва фуқаролар йиғини кенгашига таклифлар киритади.

8.9. Маҳалладаги вояга етмаганлар ишлари билан боғлиқ муаммолар юзасидан ҳокимликлар ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларга вояга етмаганлар ва ёшлар орасида қаровсизлик, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш юзасидан расмий равишда таклифлар киритади.

8.10. Оммавий-ахборот воситаларида вояга етмаганлар, ёшлар ютуқлари, муаммолари тўғрисида имконият даражасида чиқишлар қилади.

9. ПЕДАГОГ-ТАРБИЯЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ:

9.1. Вояга етмаганлар ва ёшларни тарбияси билан шуғулланмайдиган ота-оналардан жамиятга зид хатти-ҳаракатларини тўхтатишни сўрайди ва тушунтириш олиб боради.

9.2. Тарбияси оғир, ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этишга мойил вояга етмаганлар ва ёшлар, шунингдек фарзанд тарбияси билан шуғулланмайдиган ота-оналар билан якка тартибда тарбиявий профилактик суҳбатларни ўтказиш мақсадида уларни хизмат хонасига таклиф қилади.

9.3. Жамоат жойларида ҳуқуқбузарликлар содир этаётган шахсларни тартибга чақириш ва милиция таянч пунктларига олиб келиш.

9.4. Корхона, ташкилотлар раҳбарларига ёшларни ишга жойлаштириш масаласида таклифлар киритиш.

10. ПЕДАГОГ-ТАРБИЯЧИЛАРНИНГ ИШ НАТИЖАЛАРИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Педагог-тарбиячи иш натижалари қуйидаги мезонлар билан баҳоланади:

10.1. Педагог-тарбиячилар фаолиятининг якунлари вояга етмаганлар ва ёшлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашдаги иштироки;

10.2. Хизмат ҳудудида вояга етмаганлар ва ёшлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг ўсиш ва камайиш коэффициенти;

10.3. Тарбияси оғир, ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этишга мойил бўлган ўсмирларни қайта тарбиялаш йўналишидаги роли, эришган натижалари;

10.4. Фарзандлари тарбияси билан шуғулланмайдиган ва уларга салбий таъсир кўрсатувчи ота-оналарни аниқлаш, бундай тоифадагилар билан олиб борилган профилактик тарбиявий ишларнинг самарадорлиги;

10.5. Вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида диний экстремизм ва ақидапарастликка қарши курашда тегишли давлат идоралари ва жамоатчилик билан ҳамкорликда амалга оширган ишлари даражаси;

10.6. Ўқимай ва ишламай юрган вояга етмаганлар ва ёшларни ишга жойлаштириш, ўқишга қайтариш борасида амалга оширган ишлари натижаси;

10.7. Педагог-тарбиячининг аҳоли, айниқса, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида обрўси;

10.8. Профилактик ҳисобда турганлар ва ёшлар муаммоси билан шуғулланадиган идоралар билан ишлай олиш қобилияти, ҳудудининг ўзига хос хусусиятларини ва у ерда яшаётган аҳолини мукаммал билиши;

10.9. Жисмоний ва касбий тайёргарлик даражаси;

10.10. Педагог-тарбиячининг ўз лавозими вазифаларини бажаришда илғор иш тажрибаларини жорий этиши.



MAHALLA

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Эркин БОҚИБОЕВ, Расул РАҲМОНОВ (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Бахтиёр РИЗАЕВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Шавкат ЎРАЗАЕВ, Таънаберди ҚУРБОНОВ, Эркин ҒУЛОМОВ.

Масъул котиб: Аслиддин БЎРИЕВ
Сахифаловчи: Аброр БЕРДИЕВ
Навбатчи: Инобат ИБРАГИМОВА

Газета таҳририят компьютерида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

Буюртма Г-826 Топширилди–